



Мумтоз ўзбек адабиётининг илк белгилари Ахмад Яссавий хикматларида ва унинг маънавий ворислари яратган адабий мактабнинг бадиий тилида кўзга яққол ташланади.

Бундан тўққиз аср бурун зўр илхом ва махорат билан яратилган «Девони хикмат» инсоний хакикатни англаш ва илохий кудратдан мадад олиб яшаш йўлларини ўргатади. Пок ният билан муқаддас мақсадга интилан инсоннинг кўнгли учар қушдек канот қоқиши, баҳри дили очилиши, нафс балоси ундан қочиши, руҳи гўё Арши Аълога кўтарилгандай бўлиши Яссавийнинг қуйидаги сатрларида жўшқин ва гўзал шеърий шаклларда ифодаланади:

Кўзим тушди, кўнглим учди, Аршга ошди,
Умрим кечди, нафсим қочди, бағрим тошди,
Канот қоқар учар қушдек кўнглим менинг.

Бу хикматларни ўқиган одамнинг дилида ҳам пок бир завқ-шавқ пайдо бўлади. Туркий тилимиз бундан саккиз аср муқаддам мана шундай теран руҳий ҳолатларни ифода этишга қодир бўлганлиги бизни қойил қолдиради.

Тил эса дилга боғлиқ. Ахмад Яссавий инсон дилининг имкониятлари чексиз эканига ишонади. Илохий хакикатни дилига жойлаган Мансур Халлож муқаддас туйғудан руҳи Арши Аълога етгандек бўлгани учун «Аналҳак!», яъни «Мен Хакман!» деганлиги тарихдан маълум.

Илохий кудрат рамзи бўлган Хак инсоний хакикатнинг ҳам ўзагидан жой олгандир. Инсоний ва илохий кудрат бир қалбада бирлашгани учун Мансур «Аналҳак!» дейди. Буни тушунмаган муллолар уни қоғирликда айблайдилар. Шу ноҳақ айблаганга ишониб Мансурни дорга осиб ўлдирган ҳукмдорларни Ахмад Яссавий инсоний қамолот сирларидан беҳабар қондонлар деб атади:

Аналҳакни маъносини билмас қондон,
Қондон керак бу йўлларда қоқи қондон.

Инсонни маънавий қамолот йўлига қорлаган энг қучли исломий таълимот тасаввуф деб аталади қўпчиликка маълум. Ахмад Яссавий Бухоро мадрасасида таҳсил олган йилларида тасаввуф илмини Юсуф Хамадонийдек машҳур алломадан ўрганган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Абдулҳолик Гиждувоний ҳам Юсуф Хамадонийнинг шогирди бўлган. Ахмад Яссавийга мана шундай буюқ пирлар тасаввуф сабоқларини мерос қолдирганлар.

Тасаввуф назарияси бўйича инсон чин хакикатга етиш учун тавба, фақирлик, сабр, ҳавф, тавакқал, ризо қоби мушқул босқичлардан ўтиши керак. Энг юқсақдаги саккизинчи

боскич — чин хакикатдир. Унга етгунча инсон барча хорлик, зорлик ва машаккатларга чидаши лозим.

Яссавий айтади:

Хакикатнинг дарёсидан кечган киши,
Ўзи мунглик, кўнгли синук, кўзда ёши,
Хорлик, зорлик, машаккатдир доим иши,
Хак дийдорин талаб килиб топар, дўстлар

«Девону луготит турк»да мисоллари келтирилган анъанавий туркий тўртликлар қандай кофияланганини эслайлик. Алп Эр Тўнганнинг ўлимига бағишланган тўртликда ҳам дастлабки уч сатр кофияланганини, хулосавий сўзлар айтилган тўртинчи сатр эса кофиясиз, мустакил холда қолдирилганини юқорида кўрган эдик. Шунинг учун бу тўртлик рубоий жанрига кирмаслигини, балки туркий тилда яратилган хикматлар алоҳида бир жанр бўлиб шаклланганини кўрсатади.

Ахмад Яссавий хикматлари «Алп Эр Тўнга» достонида кўп тилга олинадиган эранларни улуглайди. Хикматлар тили «Девону луготит турк» ва Кутадгу билиг» тилининг донишмандлик анъаналарини давом эттиради.

«Хикматлар»да ҳам «Кутадгу билиг»даги каби панднасихатлар кўп учрайди. Айни пайтда, Ахмад Яссавий хикматлари туркий тилдаги донишмандликни тасаввуф гоёлари билан бойитиб, янги бир юксакликка кўтаради. Маснавийда ёзилган «Муножотнома» асарида Яссавий ўз хикматлари тўғрисида шундай дейди:

Мани хикматларим хўбларга айтинг,
Дуо-такбир айтиб раҳматга ботинг.
Мани хикматларим дардсизга айтманг,
Баҳосиз гавхарим нодонга сотманг.

Маълумки, Ахмад Яссавий XI-XII асрларда Туронзаминда ички урушлар авжига чиққан, маънавий инкироз кучайган даврда яшаган. X—XI асрларда Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб ва Махмуд Кошгарий каби улуг сиймолар фаолият кўрсатган давридаги маърифатпарвар ҳукмдорлар ўрнини XII асрда молу дунёга хирс кўйган, илму маърифатдан йирок бўлган, мудом тожу тахт ва амал таллашиб, халкни киргин-барот урушлар гирдобига ташлаган ношуд хону беклар давлат тепасига келган эди. Уларнинг атрофида юрган айрим хушомадгўй, нурсиз сарой олимлари туркий тилга паст назар билан қараганини Яссавий куйидаги сатрларда очик айтади:

Хушламайдур олимлар бизни айтган туркини,
Орифлардан эшитсанг очар мулкини.
Оят, ҳадис маъноси туркий бўлса мувофик,
Маъносига етганлар ерга кўяр бўркини.

Яссавий она тилимизнинг химоячиси ва тарғиботчиси бўлгани бу сатрларда кўзга яққол ташланади. Факат сўзда эмас, амалда ҳам у Мухаммад пайгамбарни, унинг салафлари бўлган Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алини улуглайдиган, уларнинг юксак фазилатларини қиска ва лўнда сатрларда намоён этувчи шеърлар ёзди, оят ва ҳадис маънолари билан туркий тил бойликларига улкан бойлик кўшди.

Ахмад Яссавийнинг энг машхур маънавий ворисларидан бири — макбараси Тошкент яқинида жойлашган Занги ота бўлган. Сохибқирон Амир Темур Ахмад Яссавийга макбара қурдиргани каби, Занги ота номига ҳам макбара қурдиради. Занги ота фаолиятига кейин яна тўхталамиз.

Занги отанинг авлодларидан бўлган Саид ота Яссавий хикматлари ва унинг таълимоти

билан куролланиб, Олтин Ўрда худудларига боради. Мирзо Улугбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида кайд этилишича, Ўзбекхон Турондан борган Саид ота ва у айтиб берган туркий хикматлар таъсирида ислом динига ихлос кўяди. 1314 йилда Ўзбекхон ислом динини қабул қилади. Ахмад Яссавий таълимоти ва хикматлари билан куролланган унинг садокатли ворислари шомон динидаги Чингизхон авлодларининг мусулмон бўлишларига ёрдам берганлиги тил ва адабиёт тарихида кам учрайдиган нодир ходисалардандир.

Авваллари ҳам Туронда ва Олтин Ўрдада озчиликни ташкил қилган мўгул сипохлари энди исломни қабул қилганларидан кейин бутунлай туркийлашадилар, ўзбек, козок, татар ва бошқа туркий халкларнинг таркибига кириб, сингиб кетадилар. Бу уларнинг маданий ҳаётида жуда катта бурилиш ясайди.

Ушбу ходисани таҳлил қилганда Ахмад Яссавий руҳи, унинг хикматлари маданий ҳаётни ривожлантирувчи улкан омиллардан бирига айланганига амин бўламиз.

«Кутадгу билиг» ва «Девону луготит турк» сингари Ахмад Яссавий ижоди ҳам туркий халкларнинг маънавий кадрияти эканлиги шубҳасиз. Айни вақтда, «Хикматлар»нинг ўзбек, турк, козок тилларидаги матнларини бир-бирига қиёс қилсангиз, аслиятга энг яқин тил — ўзбек тили эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Туркия пойтахти Анкарада таникли олим Кемал Эраслан Ахмад Яссавий хикматларини «Сочмалар» деган кўшимча ном билан нашр этган. Албатта, «сочма» деган чиройли сўз ўзбекчада ҳам бор. Лекин бу «хикмат» деган маънони билдирмайди, балки нашрнинг ўзига ҳослигини кўрсатувчи бир сўздай қабул қилинади.

Нашрда Ахмад Яссавийнинг номи ҳам турк тили қоидаларига мосланиб, «Ахмеди Йессеви» деб ёзилади, яъни икки жойда «а» «э» га айлантиради. Аслини олганда, «Яссавий» деб жой номидан насаб яшаш аниқлиги бизга араб тилидан ўтган.

Назаримизда, арабча аслига мос қилиб «Ахмад Яссавий» деб ёзиш илмий талабларга кўпроқ мос келган бўларди.

«Хикматлар»нинг Анкара нашрида китобнинг чап бетига аслият, ўнг бетига унинг туркча таржимаси қўйилганлиги қиёслаш учун қулай имконият яратади.

Бир мисол келтирайлик: Аслият:

Бу дунёда подшоҳман деб кўксин керган,
Ҳам остига курси қўйиб хайма урган,
Неча минглаб черик йиккан хонлар қани.

Туркча таржимаси:

Бу дунёда подшоҳим дийа гогус герен,
Неча йиллар хейл ва ҳашем черик салан,
Бинларчесине чери урган хонлар хани.

Ахмад Яссавий шеърлари аруз вазнида ёзилганлиги аслиятда аниқ кўриниб туради. Эркин таржима бўлган туркча матнда аруз ҳам, вазн ҳам йўқ.

Тўртликда «Подшоман деб кўксин керган, ҳам остига курси қўйиб хайма (чодир) курган хонлар қани?» деб сўралади. Курси бу ерда тахт маъносида келади. Туркча матнда «курси қўйган» ибораси умуман йўқ. Унинг ўрнига аслиятда бўлмаган «неча йиллар» ибораси киритилади.

Биз бу ерда таржиманинг нуқсонларига эмас, Ахмад Яссавий хикматларини қардош турк тилига таржима қилиш ва аслиятнинг бой мазмун ҳамда эркин тилини туркчада тўлиқ ифодалаб бериш қийин эканига эътиборни қаратмоқдамиз.

Ўзбек китобхони эса юқоридаги сатрларнинг ҳаммасини таржимасиз тўлиқ тушунади,

чунки китоб ўқийдиган барча кишиларимиз «курси» нималигини яхши билади. Факат «хайма»нинг «чодир эканлигини, «черик» — «кўшин» маъносини билдиришини изохлаб бериш мумкин.

Ахмад Яссавийдан кейин туркий тилда катта муваффакият билан асар ёзган шоир Ахмад Югнакий бўлган. Югнак шахри Ясси шахрига якин бўлгани каби, Ахмад Югнакийнинг «Хибат ул-хакойик» («Хакикат совгалари») асари ҳам мазмун ва тил жihatларидан Ахмад Яссавий хикматларига жуда яқиндир. Ахмад Яссавий ўзи ва хикматлари хақида сўз юритгани каби, Ахмад Югнакий ҳам шу анъанага амал килади, ўзи ва асари тўғрисида куйидаги сатрларни ёзади:

Адиб Ахмад атим, адаб, панд сўзум,
Сўзум мунда калур, барур бу ўзум,
Келур куз, кечер йаз, барур бу умр,
Битидим бу тансук туроф сўзларин,
Халу борсам ўзум атим колсу теб.

Ахмад Югнакийдан келтирилган ушбу сатрлар «Хибат ул-хакойик»нинг танкидий матнини тайёрлаган ва унинг тил хусусиятларини биринчи бўлиб тадқиқ этган тилшунос олим К.Махмудов китобидан олинди.

Ахмад Югнакий асарининг бир афзал томони — унинг қадимий кўлёзма шаклида тўлигича бизга етиб келганлигидир. Мана шу афзалият асримиз бошларидаёқ тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг эътиборини ўзига тартади. Турк олимлари Нажип Асим ва Фуадбей Кўпрулузодалар 1915—1916 йилларда Истанбулда бу асарни икки қайта нашр этиб, унинг умумтуркий кадрият эканини кўрсатиб ўтадилар.

«Хибат ул-хакойик»нинг араб алифбосида кўчирилган нусхаси 242 байтдан иборат.

Лекин бу байтларнинг магзи ниҳоятда тўқ, маъноси теран, таъсири кучли. Мазкур асарни мумтоз адабиётимизда биринчи бўлиб юксак баҳолаган сиймо Алишер Навоий эди. Навоий «Насойим улмухаббат» асарида Адиб Ахмаднинг шеърларидан икки байт мисол келтиргач, адибнинг тугма кўр бўлганини ёзади: «Багоят зийрак ва закий киши эрмиш. Хак с. т. агарчи зохир кўзин ёпук яраткандур, кўнгил кўзин багоят ёруг яратгандур» .

Ахмад Югнакийнинг «Адиб Ахмад атим, адаб, панд сўзум» деган сатри айнан ўзбекчадек ўкилади. Факат талаффузда «о» ўрнига «а» (атим) дейилган. «Сўзум бунда калур, барур бу ўзум» деган сатрнинг сўз тартибида ўзгачалик бор. Яъни «сўзум бунда колур» худди Навоий ва Бобур асарларидагидек ёзилган. Факат «борур мен ўзим» (яъни «бу дунёдан кетурмен») деган ибора ўрнига «барур

Шу ўзум» деб ёзилган. Демак, бундан саккиз юз йил олдиғи тилимизда «ўзим»га «мен» кўшмасдан, яъни «борур мен» демасдан, учинчи шахсда «бу борур» дейиш одати ҳам бор экан. Киёс учун шу олти сатр маснавий козок тилига қандай таржима қилинганини кўриб ўтайлик.

Ахмад Адиб атим, улгу — сўзим,
Калади мунда сўзим, кетем ўзим.
Куз келер, жазда кетер, омир-ул ўтер,
Сонимен жумилар-да эки кўзим.
Артимда калсин деб жаздим муни,
Гамайиб танснк сўзбен ерек меден.

Козок тили кўпроқ туркий тилнинг кипчок шевасига асослангани учун «йаз» «жаз» деб, «йаздим» сўзи «жаздим» деб таржима қилинади. «Адаб, панд» сўзлари асли арабчадир.

Козок тилида арабча ўрнига кўпроқ туркий сўзлар ишлатиш одат бўлган. Шунинг учун «панд», «адаб» сўзлари биргина «улгу» сўзи билан таржима қилинади.

Албатта, ҳар бир тилнинг ўз афзалиятлари бор. Биз козок тилининг жонли тилга яқинлиги, туркий сўз ва ибораларга бойлигини ҳурмат қиламиз. Ахмад Югнакий Н. Келимбетов китобида қадимги козок адабиёти намуналари қаторида келтирилганини асосли деб биламиз.

Шу билан бирга, Ахмад Яссавий «Хикматлар»нинг бадиий тили каби «Хибат ул-хақойик»нинг тили ҳам мумтоз ўзбек адабий тилига яқинроқ эканини, шунинг учун Алишер Навоий бу асарга алоҳида эътибор берганини таъкидлаш лозим.

Бу борада қардош туркий халқларга ҳолисона муносабатда бўлган олимлардан Е. Э. Бертельснинг К. Махмудов китобида келтирилган. қуйидаги фикри ҳам асослидир: «Қадимги ўзбек адабий тилидан классик ўзбек адабий тилига ўтишда «Хибат ул-хақойик» кўприк бўлиб хизмат қилган».

«Хибат ул-хақойик» бўйича барча мавжуд манбаларни синчиклаб ўрганган ва таҳлил қилган К. Махмудов «бу асар XII аср охирида, XIII асрнинг бошларида ёзилган» деган хулосага келдики, биз бу хулосага тўлиқ қўшиламиз.

Шўро даврида, айниқса, XX асрнинг етмишинчи йилларида коммунистик мафкура Ахмад Яссавий меросини қоралаб турган кезларда олимларимиз Ахмад Югнакий ижодининг Ахмад Яссавий хикматларига руҳан яқин бўлганига эътибор қаратган эмаслар.

Ваҳоланки, бу икки буюқ Ахмадларнинг яшаган даврлари ҳам, шеърий панд-насихатлари ҳам бир-бирларига жуда яқиндир. Ахмад Яссавий Сайрамда тугилиб, Туркистоннинг Ясси шаҳрида яшаган бўлса, Ахмад Югнакий Ясси шаҳридан 20-25 чақирим масофада жойлашган Югнак қишлоғида тугилиб ўсганлиги унинг номидан кўриниб турибди.

Ахмад Югнакий ҳам Чингизхон истилосидан олдин XII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтди. Унинг «Хибат ул-хақойик» асаридан кейин то Рабгузийнинг «Қисас ул-анбиё»си пайдо бўлгунга қадар ўтган бир асрдан ортиқдаврда Чингизхоннинг босқинчи қўшини оёғи остида вайрон бўлган, ёндирилган ўлкаларга ўлим сукунати чўккандек бўлади. Бу асрда шоирларнинг овозлари эштилмай қолади, жуда кўп фозил кишилар ё ўлдирилди, ёки чингизийлар оёғи етиб бормаган чет мамлакатларга кетиб, паноҳ топди.

Шу фожиавий шароитда Ахмад Яссавий хикматларини ёд билган дарвешлар қишлоқма-қишлоқ, шаҳармашаҳар, ўлкама-ўлка юриб халққа ҳақиқатни айтишга интиланликлари ўша даврнинг энг даққатга сазовор ҳодисалари қаторидан ўрин олади. Ўз хикматларининг содиқ тарғиботчилари келажакда ҳам дарвешлар бўлишини олдиндан билган буюқ шоир улар ҳақида қуйидаги жўшқин сўзларни айтгани бежиз эмас:

Ҳақ қуллари дарвешлар ҳақиқатни билмишлар,
Ҳаққа ошиқ бўлганлар ҳақ йўлига қирмишлар.
Кўнгил бермай дунёга, шуруъ қилмай ҳаромга,
Ҳақни суйган ошиқлар ҳалолидан емишлар .

Биз бу сатрларни Яссавий хикматларининг Кемал Эраслан тайёрлаган туркча нашридан олдик. Чунки «Хикматлар»нинг ўзбекча нашрида айрим шеърлар тушиб қолган. Ахмад Яссавийнинг туркиялик тадқиқотчилари «Хикматлар»нинг турли вариантларини бир-бирига қиёслаб, мантиқан тўғри қеладиган сатрларни алоҳида саҳифаларга йигиб нашр этишга қатта аҳамият берганлар. Бу йўлда машҳур олимлар Фуад Кўпрулузода ва профессор Кемал Эраслан самарали меҳнат қилганлар.

Улар Яссавий хикматларининг тили тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини

билдирганлар. Фуад Кўпрулузода Яссавий хикматлари тилининг Қорахонийлар сулоласи давридаги умумтуркий тилга яқинлигини қайд этади. А. Жаъфар ўглининг «Турк тили тарихи» китобида (Истанбул, 1964 й.) «Девони хикмат» тилининг ўзбекчага яқинлиги кўрсатиб ўтилади. Венгер олими Х. Вамбери 1867 йилда Лейпцигда чиккан китобида Аҳмад Яссавийнинг гили Фаргона водийсининг Кўкон шевасига асосланишини айтиб ўтади. Бирок турк олими К. Эраслан «Девони хикмат»нинг туркча нашрига ёзган бош сўзида: «Бу бир тахминдир, - деб ёзади. - Хикматларде кўрилан дилин чагатай ва ё ўзбек адабий дили ўлмаяжагида кесиндир».

Биз бу иқтибосни атайлаб туркча аслият холида келтирдик. Бу ерда «кесиндир» деган сўз «узил-кесил», «аник ва катъий» деган маъноларни билдиради. Яъни, муаллиф «Яссавий хикматларининг тили ўзбек адабий тили эмас» деган фикрни аниқ ва катъий қилиб айтади.

Бизнингча, Яссавий хикматларининг тили бундай узилкесил хулосага асос бермайди. Албатта, Яссавий хикматлари Марказий Осиёда яшаган туркийзабон халқларнинг тил бойликларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун козок, туркман, қирғиз халқлари ҳам уни ўз шоирлари деб биладилар. Айни вақтда, улар Яссавий хикматларини ўз она тилларига таржима қилиб ўқийдилар. Профессор Кемал Эрасланнинг ўзи ҳам Яссавий хикматларини туркча таржимасида таҳлил ва талқин қилади. Бунинг баъзи мисолларини биз юқорида келтирган эдик.

Фақат ўзбек китобхонлари Аҳмад Яссавий хикматларини таржимасиз тушуниб ўқийдилар. Аҳмад Яссавийнинг ўзбекча аслияти:

То тириксен, ишк дафтари адо бўлмас.

Буни Кемал Эраслан турк тилига қуйидагича таржима қилган:

Дири ўлган муддатча ишк дефтери тамамланмаз.

Аслият билан таржима тили орасидаги фарқлар Аҳмад Яссавийнинг қайси адабий тилга яқинроқ эканини яққол кўрсатиб турибди.

К. Эраслан ҳам хикматларда ўзбек тили хусусиятлари устун эканини сезади, аммо бунга кўпгина хикматларни Яссавийдан кейинги асрларда яшаб ўтган дарвешлар бизгача ўзбек тилида етказиб келганини сабаб қилиб кўрсатади.

Аввало, Яссавий хикматларидек улкан маънавий бойликни бизгача етказиб келган дарвешлардан миннатдор бўлиш керак. Сўнгра, Яссавий ўз хикматларини бу дарвешларнинг она тилларида яратганлиги учун ҳам, уларни ёдлаш ва авлоддан-авлодга етказиб бериш имконияти кўпроқ бўлганини ҳисобга олиш лозим.

Аҳмад Яссавий мол-дунёга ҳирс қўйган, мудом амал талашиб халқни қирғин-урушлар гирдобига ташлаган подшо ва бекларга нафрат билдириб ёзади:

Дунё менинг деганлар,

Жаҳон молин олганлар,

Мулло, муфти бўлганлар,

Окни қора қилганлар,

Ҳаром еган ҳокимлар,

Тотлик-тотлик еганлар,

Турлик-турлик қийганлар,

Олтин тахтга қикканлар

Ер остига қирмишлар.

Кекқайган барча ҳукмдорлар ахийри қабрга қириб тупроқ бўлишларини айтиш билан шоир одамларни нафсга, ўткинчи манфаатларга бунчалик берилмасликка, инсофли ва

адолатли бўлишга, Оллохни ва охиратни унутмасликка чорлайди.

Буюк ватанпарвар Ахмад Яссавий XII асрдаёқ она тилимизнинг химоячиси ва тарғиботчиси бўлиб майдонга чикканди.

Ахмад Яссавий хикматлари ва унинг адабий мактаби Турон ва Хуросондан ташқари, шарқда Мўғулистону шимоли-ғарбда Волга бўйларидаги Олтин Ўрдагача, Қора денгиз ва Ўрта Ер денгизи бўйларидаги Туркиягача улкан худудларда ижод қилган туркийзабон шоирларни бир адабий тил атрофига жипслаштиради.

Хоразмийнинг «Мухаббатнома»си, Сайфи Саройининг «Туркий Гулистони», Туркияда ижод қилган Хожи Бектош асарларининг бадиий тили Ахмад Яссавий хикматларининг энг яхши анъаналарига асосланганлиги бу фикри ишбот этади. Ахмад Яссавийнинг издошлари бўлган Хаким ота, Саид ота каби хикматнавис шоирларнинг ижоди ва фаолияти турли-туман шеваларда сўзлашган туркийзабон халқларнинг ижодкорлари учун адабий тил бобида умумий дорилфунун бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назарда Рабғузийнинг «Қисас ул-анбиё» асарига тўхталиб ўтайлик.

Бу насрий асар Ахмад Яссавийдан салкам икки аср кейин, 1310 йидда Хоразмнинг Работи Ўғиз шаҳарчасида ёзилган. Рабғузий ўзи тўғрисида қофияланган бадиий тилда шундай маълумот беради:

«Бу китобни ёзган, тоат йўлида тизган, маъсият (гуноҳ) ёбонин (даласини) кезган, оз озукдук, кўп ёзукдук, Работи Ўғизнинг қозиси Бурхон ўгли Носируддин».

Қавс ичида биз иккитагина сўзга изох бердик. Қолган ўнлаб сўзлар ва жумла тузилиши наср билан айтилган ўзбек дostonларини эслатади. Қофиядош иборалар Рабғузий асари тилининг Яссавий хикматлари тилига жуда яқин эканини кўрсатиб турибди.

Рабғузий қамтарлик юзасидан ўзини «гуноҳ даласини кезган», озиги оз, ёзиги, яъни пешонасига ёзилган машаққатлари кўп осий бандалардан бири, деб билади. Аммо «ўқимокка қерақлик, ўрганмокка (ўрганмокка) яроғлик» бир китоб ёзишни унга топширган бекка қуйидагича юксак баҳо беради:

«Улуг отлиғ, қутлуг зотлиғ, эзгу хулқлиғ, ислом ёруғлиғ, мўғул санилиғ (мартабалиқ), мусулмон динлиғ, одамийлар инончи, мўминлар қувончи, химмати адиз (баланд), акли теғиз (тўқис) бегимиз Носируддин Тўқбугадин... илтимос янглиғ ишорат бўлди».

Бу сўзлар салкам етти юз йил бурун ёзилган бўлишига қарамай, ўзбек китобхониға тушунарли, лўнда ва таъсирли тилда, гўзал шеърий қофияларда етиб қелганлиғи хайратланарли холдир.

Бу асар чинғизийлар ҳукмронлиғи давом этаётган бўлса ҳам, Волга бўйларидан то Хитой чегараларигача чўзилган улкан худудларда мўғуллар қандай туркийлашаётганини ва ислом таълимотини туркий тилда «ўқимокка қерақлик, ўрганмақка яроғлик» китоблар орқали қабул қилиб мусулмон бўлаётганини кўрсатадиган ажойиб тарихий далилидир. Мўғул беки Тўқбуга шундай китобнинг яратилишиға сабабчи бўлганлиғи билан ҳам Рабғузийнинг юқорида қелтирилган мактовларига муносиб эканини сезиш мумкин. Мўғул хон ва беклари Турон-Туркистонда ҳам, Дашти Қипчок ва Олтин Ўрдада ҳам ҳамон қолиб сулола сифатида тахтда ўлтирар эдилар. Аммо туркий тил уларнинг она тилларидан устун қелганлиғи, улар туркий тилда ислом таълимотини қабул қилиб мусулмон бўлганликлари маънавий тараккиётимизнинг энг ёркин ходисаларидан бири, деб боҳоланишға муносибдир.

Шомон динидаги мўғул хон ва беклари Россия худудларида ҳам уч аср ҳукмронлик қилганлари тарихдан маълум. Насроний дини исломдан ҳам қадимийроқдир. Руслар Византия орқали насроний динини қабул қилган ва насронийлар маданиятини

ўзлаштирган кадимий халк саналади. Мўгул хони Ўзбекхон ва унинг кўпчилик беклари Олтин Ўрдада хукмронлик килган даврларида шомон дини ўрнига насроний динини кабул килишлари хам мумкин эди. Рус князлари ва рухонийлари Олтин Ўрданинг хон ва бекларига ўз таъсирларини ўтказишга интилганлари шубхасиз. Шереметьев, Юсупов каби бир катор мўгул беклари Россияга кетиб насроний динини кабул килганлиги хам тарихдан маълум.

Аммо Шарқдан борган ва азалдан туркий кавмлар орасида яшаган кўпчилик мўгул бек ва хонларига Туркистон, Хоразм, Мовароуннахрнинг кадимий маданияти кучлирок таъсир кўрсатади. Шунинг натижасида улар ўз она тилларини унутиб, туркийлашадилар ва туркий тил оркали исломни таниб мусулмон бўладилар.

Ана шундай мўгул бекларидан бири бўлган Мухаммад Хўжабек Сирдарё бўйидаги Сигноқда хукмронлик килган. Унинг топшириги билан 1353 йилда Хоразмийнинг "Мухаббатнома" достони ёзилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай дейди:

Тун окшомким, кўрунди байрам ойи,

Мухаммад Хўжабек давлат хумойи.

...Табассум килди, айди: «Эй фалони,

Кетургул бизга лойик армугони.

Тиларменким, бизинг тил бирла пайдо

Китоби аиласанг бу киш катимда».

Кабул килдим, ер ўпдим, айдим, эй шох!

Эшигинг тупроги давлатли даргоҳ.

Бу шеърий сатрлар ўзбек китобхони учун Рабгузий пасридан хам тушунарлирок. Саккиз сатр шеърда биронта изохталаб сўз йўқ. Хамма сўз ва иборалар мумтоз адабиётимиз тилида бор. Биз бу шеърий сатрларни козок олими Н.Келимбетовнинг «Казак адабиятининг ежелги (кадимги) даури» деб аталган китобидан олиб келтирдик. Китобда Хоразмий каламига мансуб ушбу шеърларнинг козокча таржимаси хам келтирилган.

Киёс учун бир неча сатрини келтирамиз:

Мухаммад Кўжабек - мемлекет амирчиси

Кулимсиреп сўйлади:

«Акътим, бизга лайикти тарту жаса,

Тилегим ўз тилимизда жир жасасанг

Ол китабингди ўси кисда касимда журиб жазсанг».

Аммо козок тилида шеърни аруз вазнига тушириш мушкул. Чунки бу тилда тўқкизта унли товуш бор. Улар араб ва форс тилларидаги узун-киска товушлар тизимида мос келмайди. Хоразмийнинг «Мухаббатнома»си эса аруз вазнида ёзилган. Уни козокча ўлан вазнида таржима кил-ганда аслиятдаги шеърий нафосат йўқолиб қолади.

Бундан ташқари, кўпгина араб ва форс сўзлари козок тилида маъноси ва талаффузи ўзгарган холда килинган. Масалан, «Мухаббатнома»нинг аслиятида Хўжабек - давлат бошлиги эмас, балки хоннинг Сирдарё бўйида хокимлик киладиган бир беги сифатида таърифланади. Аммо таржимада «Кўжабек - мемлекет амирчиси», яъни хукмдори деб аталади. Бунинг сабаби — козок адабий тилида арабча «давлат» сўзи «мемлекет» деб ноаник кабул килинган. Холбуки, мамлакат (русча страна) билан давлат (государство) орасида катта фарқ бор.

Мана шу объектив сабабларга кўра «Мухаббатнома» ўзбек тилида чин аслият бўлса, козок тилида аслиятдан анча узоклашган таржима холига келган.

Бунинг тарихий сабаблари бор. Хоразм — кадимий маданият маркази. Хоразмийнинг

исми — унинг шу маданият марказида тугилиб ўсганидан далолат беради. Бу маданият марказининг адабий тили Ахмад Яссавий, Раб-гузий каби биз юкорида асарларидан мисоллар келтирган шоир ва адибларнинг таъсирида шаклланган. Бу шоирлар Туркистон ўлкасида, Сирдарё ва Амударё бўйларида ижод қилганлар. Шу объектив сабабларга кўра уларнинг адабий тили Ахмад Яссавий, Адиб Ахмад, Рабгузий каби етакчи ижодкорлар таъсирида шаклланган.

Хоразмийдан кейин туркий тилда ижод қилган Кутб ва Сайфи Саройилар бири Волга бўйида, Олтин Ўрда худудида, бири хатто Узок Мисрда яшаган бўлсалар ҳам, минг йиллар давомида «Алп Эр Тўнга», «Билге хокон», «Кутадгу билиг», «Девону луготит турк» дostonлари, Ахмад Яссавий хикматлари ва унинг мактабига мансуб ворислари яратган адабий тил меъёрларига риоя қилганлар. Чунки бу меъёрлар асрлар синовидан ўтиб, барча туркий элат ижодкорларини ўз атрофига жипслаштира оладиган ибратли қоидалар ва мумтоз фазилатларга эга бўлган.

Шунга карамай, бир катор туркшунос олимлар «Мухаббатнома» дostonини «Чигатой тилида ёзилган» деган фикрни олдинга сурадилар.

Юкорида биз «Чигатой тили», «Чигатой адабиёти» деган ибораларнинг ҳеч қандай тарихий ва назарий асосга эга бўлмаган, сунъий нарса эканини айтган эдик. Афсуски, тилшунослар орасида бу ибора ханузгача мумтоз ўзбек адабий тилига нисбатан татбиқ этиб келинмоқца. Бу масалага оид характерли мисолларни таникли туркшунос Э. Н. Нажипнинг туркий тилларга багишланган китобларида кўриш мумкин.

«А. Н. Кононов ўз вақтида тўғри кўрсатганидек, — деб ёзади Э. Н. Нажип, — Чигатой улусининг тили Қорахонийлар адабий тилига ва XIV асрдаги Темурийларнинг мамлакатларидаги адабий тилга асосланиш билан бирга Олтин Ўрданинг гарб қисмидаги Жўчи улусининг адабий тили асосида такомиллашди. Кейинчалик чигатой тили эски қлпссик ўзбек адабий тилини бошлаб берди».

Хайриятки, бу туркологлар Ахмад Яссавий хикматлари тилини «чигатой» тилига мансуб қилиб қўя олмадилар. Чунки Ахмад Яссавий Чигатойдан бир аср олдин «Девони хикмат»ни яратиб кетган эди.

Лекин четдан келиб бизнинг тилимизга турли номлар гюришни яхши кўрадиган туркологлар Ахмад Яссавийни ким ўзбек адабий тилидан мумкин қадар узоклаштириш учун уни кипчок-ўғуз тилига мансуб кўрсатадилар. Э. Н. Нажип бу гал А. К. Боровковнинг шу ҳаққаги фикрини қўллаб-қувватлайци:

«Девони хикмат»нинг тилини таҳлил қилган А. К. Боровков бу асар тилида Шаркий Қорахонийлар тили таъсири борлигини кўрсатиш билан бирга «Хикматлар» тили мустақил кипчок-ўғуз тилига мансуб, деган хулосага келади.

Яссавий хикматларининг кипчок-ўғуз тилида пайдо бўлиши қарлук-уйгур тили билан бирга иккинчи адабий тил мавжуд бўлганини исбот этади».

Кипчок тили намуналарини юкорида келтирдик. Бу тилнинг характерли белгилари бўлган «жўл», «жўк», «жахси» каби «же» ловчи сўз ва иборалар Ахмад Яссавий хикматларида мутлақо учрамайди. Ўғуз тилига келсак, ундаги «тоғ» ўрнига «доғ», «тирик» ўрнига «тири», «кириш» ўрнига «гириш» каби характерли сўз ва иборалар ҳам Ахмад Яссавий хикматларида йўқ. Шунинг учун козок ва турк қардошларимиз Ахмад Яссавийни ўз тилларига таржима қилиб ўқийдилар.

Мана, Яссавий «Муножот»идан яна тўрт сатрини олиб, аслият билан туркча таржимани қиёслаб қўрайлик:

Аслият:

Чин олим ёстигин тошдин яратти,
Нима укди ани оламга айтди.
Ўзин билди эрса Хакни билди,
Худодин кўркди ва инсофга келди.

Туркча таржимаси:

Герчек алим йастигини таштан килди,
Англадиги шеи алеме деди.
Кендини билди эса хакки билди,
Худадан кўркди ва инсофа гелди.

Масалага холисанлилло ёндашганда, Ахмад Яссавий хикматларининг аслияти ўзбекча экани, унинг кипчок ва ўгуз тилларидаги матнлари шу аслиятдан келиб чикканлиги ушбу тўрт сатрда яна бир марта инкор этиб бўлмайдиган тарзда кўзга ташланади.

Бу билан биз Ахмад Яссавий тилини факат ўзбек тилига мансуб демокчи эмасмиз.

Яссавий ижоди ва тили барча туркий халкларнинг умумий маданий бойлигидир. Факат бу маданий бойликнинг яратилишида ва бизгача етиб келишида ўзбек адабий тили устун мавке эгаллашини объектив факт сифатида кайд этмоқдамиз, холос.

Машхур туркшунос олим А. Н. Самойлович «Чигатой тилининг» мавкеини Э. Н. Нажипдан хам баландрок кўтариб, унинг тарихини олти асрга чўзади:

1. Чигатой адабий тилининг олтин даври (XV—XVI асрлар).
2. Чигатой адабий тилининг инкирози (XVII—XVIII асрлар).
3. Чигатой адабий тилининг кайта жонланиши (XIX аср ва XX асрнинг боши)».

Бу иктибос филология факультетлари учун 1984 йилда чикарилган дарсликдан олинди. Совет даврида Чигатой номи Темурийлар давридаги маданий юксалишни хаспўш-лаш учун атайлаб шундан баланд мавкега кўтарилган эди.

Аслида, Чигатой улуси XIV асрнинг етмишинчи йилларидаёк сиёсий ва жугрофий тушунча сифатида йўқ бўлган эди. Амир Темур 1370 йили Марказий Осиёда давлат тепасига келгандан кейин Чигатой авлодлари бу худуддан кувилган, Мовароуннахр яна кадимий номи билан Турон ва Туркистон деб атала бошлаган эди. Чигатой исми энди факат туркийлашган бир мўгул уругининг оти ёки «Чигтойтепа», «Чигатой кабрисони» каби жой номлари сифатида сакланиб колган эди. Шунга карамай, сунъий ясалган чигатой тили» тушунчасини Алишер Навоий ва Бобр Мирзо тилига нисбатан хам татбик этиш, яна бу сохта атама тарихини XX асргача чўзиб келиш илм-фанга эмас, факат карам килинган халкларнинг юксак маданиятини камситишга хизмат киладиган гайриилмий бир сиёсат эди. Афсуски, айрим ўзбек олимлари тил тарихига оид китобрида «чигатой тили» иборасининг мохиятига эътибор брмай келадилар.

Университетларнинг филология факультетлари учун ўқув кўлланма сифатида 1994 йилда нашр этилган китобида шундай сатрлар бор:

«Туркшуносликда баъзан чигатой адабиёти ва чигашой тили, чигатой туркийси атамалари учрайди. Бу ўриндаги чигатой адабиёти атамасини ўзбек мумтоз адабиёти деб тушунмок керак. Чигатой тили атамаси эса эски ўзбек адабий тилини англатади». Бу маълумотни талабалар онгига ўқув кўлланма оркали етказиб бераётган тилшунос олимларимиз бир лахза ўйлаб кўрмайдиларки, Чигатой ўзи ким бўлганки, бутун бир адабий тилни, хатто Алишер Навоий давридаги мумгоз адабиётни «Чигатой тили», «Чигатой адабиёти» деб аташ керак?

Бир вақтлар Бокуда «Советская туркология» журнали чикарилар эди. Бу журналда машхур турколог олимларнинг илмий ишлари чоп этиларди. Туркий тилларга оид яхши

таджикотлар билан бирга бу журналда совет мафкурасига мос келадиган хулосалар ҳам бериб бориларди. Ана шу хулосалардан бири мумтоз ўзбек адабий тилини тарихий-миллий илдизларидан узоклаштириб, «чигатой тили» деб номлашда кўзга ташланарди.

Бу ходисага ўзбек тили тарихига оид бошқа бир китобда бир қадар муносабат билдирилади:

«Кўпчилик туркологик адабиётда XIV—XVI асрлар адабий тилига нисбатан «чигатой тили» атамасини ишлатадилар...

В. В. Радлов, А. М. Шчербак, Абулғози Баходирхон таъкидлаганидек, чигатой тили — сунъий тилдир».

Аниқроқ қилиб айтганда, бундай тил, умуман, тарихда бўлган эмас. Агар чигатой тили тарихда бўлганда, Алишер Навоийдек, Бобур Мирзодек XVI асрда яшаган улуг сиймолар ўз асарларида бу тилни албатта қаламга олган бўлардилар. Улар Чигатой улуси ва туркийлашган чигатой мўгул қавми борлигини қайд этганлар. Аммо ўзлари ижод қилган адабий тилни ҳамма жойда «туркий тил» деб атаганлар. Бунинг энг кўп далилини «Муҳокамат ул-лугатайн»дан топиш мумкин.

Юкорида эслатиб ўтилган Э. Н. Нажипнинг китобида «чигатой тили»дан ташқари, «Олтин Ўрда адабий тили» деган яна бир сунъий атама илмий истеъмолга киритилади. «Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си Олтин Ўрда давлати таркибига кирган Сирдарёнинг куйи оқида яратилганлиги учун унинг тилини «Олтин Ўрда тили» деб айтиш мумкин, — дейди Э. Н. Нажип. — Кутбнинг «Хусрав ва Ширин» достони тилини ҳам Олтин Ўрда тилида ёзилган деб ҳисоблаш мумкин. Сайфи Саройининг «Гулистон» асари тилини биз кипчок-ўғуз тилида ёки Олтин Ўрда-Миср тилида ёзилган деб айтаемиз» .

Албатта, Олтин Ўрда ҳудудида ҳам маданият ва тил ривожланганлиги шубҳасиз. Хозир бу ҳудудларда козок, бошқирд» татар қардошларимиз яшайдилар. Уларнинг орасидан чиққан тилшунос олимлар ўз она тилларининг ривожига ижобий таъсир қилган ёрқин адабий асарларни илмий жиҳатдан ўзлаштиришга интиладилар. Бу ҳаммаси тушунарли ва жоиз.

Фақат ҳар бир олимнинг биринчи навбатдаги вазифаси масалага объектив нуқтаи назардан ҳолисанлилло ёндашиш эканини унутмаслигимиз керак.

Хоразмдай қадимий маданият марказида тугилиб ўсган ва шу ўлканинг адабий тилида «Муҳаббатнома» асарини Сирдарё бўйида, қадимий туркий шаҳар — Сигноқда ёзган Хоразмий қандай қилиб «Олтин Ўрда адабий тилига» ман-суб бўлади? Ўша даврда Сигноқ Олтин Ўрдага қарашли бўлгани учунгинами? У даврда Москва ҳам Олтин Ўрда давлатига қарашли бўлган. Москвада ўша вақтларда ёзилган асарларни Олтин Ўрдага мансуб қилиб қўрсатиш ҳеч қимнинг ҳаёлига келмайди-ку.

Козок, татар, бошқирд адабий тиллари бор. Лекин Олтин Ўрда адабий тили» деган ибора «Чигатой тили» деган атама қаби илмий асосдан маҳрумдир.

Буни биз юкорида «Муҳаббатнома»дан келтирилган мисолда қўрдик. Энди бу фикрнинг исботини Кутб ва Сайфи Саройи асарларидан излаб кўрайлик.

Кутб Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини милодий 1341—1342 йилларда форсчадан туркий тилга таржима қилади. Мана, ўша таржимада Хусрав билан Фарходнинг савол-жавоби:

Бурун сўрди: не ерликсан сен?

Айттики: ошқлар шаҳаридин мен.

Айтти: не саноат қилурлар?

Айтти: жон сотиб, казгу алурлар.

Айтти: жонни сотмоклик хато ул.

Айтти: ошик йўлинда раво ул.

Айтти: не кадар севдинг сен они?

Айтти: сўзга сигмас хеч баёни.

Айтти: гар йўлуксанг, кўрса сени?

Айтти: кўзга сургум тупрокини.

Ўн мисрали бу шеърда биз учун факат битта сўз изох талаб килишни мумкин. Бу ҳам аслида «арик казиш»дан олинган «казгу» сўзидир. Колган хамма сўз ва ибораларни худди Ахмад Яссавийнинг хикматлари каби биз таржимасиз тўлик тушунамиз.

Кутб асарининг тили кипчок-ўгуз адабий тилига унчалик мос келмаган учун козок кардошларимиз юкоридаги сатрларни ўз она тилларига куйидаги тарзда таржима килганлар:

Алдимен сўради: Кай жерликсин сен?

Жавап берди: ашиklar каласинан мен.

Айтти: сенинг кандай онаринг бор?

Айтди: жан сатип, жер казамин.

Колган олти сатрнинг таржимасини келтириш шарт эмас. Шу тўрт сатрнинг ўзидаёк Кутб асарининг тилида кипчок-ўгуз тили мавкеидан кўра ўзбек адабий тили мавкеи устунрок экани яққол кўзга ташланиб турибди.

Энди Сайфи Саройининг «Гулистон бит-турки» асаридан мисол келтирайлик:

Саъдийнинг «Гулистон»ини Сайфи Саройи туркий тилда шундай таърифлайди:

Гул тиласа хотиринг тўла табак, Бу «Гулистон»дан ўки бир варак. Гул жамоли бир неча кунда кечар, Бу «Гулистон» доимо кўнгил очар. Ул ажойибки гаройиб мунда бор, Хусраву Ширин ичинда канда бор? Бу латофат богу бўстони дурур. Булбул муганнийи «Гулистон»и дурур.

Сайфи Саройи Кутбдан анча кейин яшаб ўтган, «Гулистон бит-турки» асарини 1391 йили етмиш ёшида ёзиб тугатган. Хар икки шоир хам Туркистон ўлкасида билим олганлиги ва Ахмад Яссавий адабий мактабидан бахраманд бўлганлиги улар ёзган асарларнинг содда ва равон тилидан кўриниб турибди.

Бу тахлиллардан мақсад бир адабий тилнинг иккинчисидан афзаллигини кўрсатиш эмас. Чунки хар бир тил ўзига хос афзалиятга эга. Бу афзалиятлар кипчок тилида хам бор. Лекин Кутб хам, Сайфи Саройи хам форс тилида аруз вазнида ёзилган асарларни она тилларига таржима килганда Ахмад Яссавий адабий мактабининг анъаналарига суянганлар. Ахмад Яссавий эса туркий тилнинг бойликлари билан бирга араб-форс тилларининг бойликларидан хам мохирона фойдаланган.

Кипчок тили аруз вазнида форс тилида ёзилган «Хусрав ва Ширин», «Гулистон» асарларини аслига мос аруз вазнида таржима килиш имконини бермайди. Саъдий «Гулистон»идаги «хотира», «варак», ажойиб», «гаройиб», «латофат», «муганний» каби арабча-форсча сўзларнинг кипчок тилида таржимаси топилмаган. Шунинг учун козокчада улар кисман бошка сўзлар билан алмаштирилган. Масалан, «варак» — «бет», «хотиринг» — «жанинг», «гул» — «роза». Асли арабча бўлган «ажойиб», «гаройиб», «латофат», «муганний» сўзлари эса таржима килинмасдан ташлаб ўтилганлиги боис мазмун саёзлашган. Арузда ёзилган теран маъноли фалсафий шеър оддий бир ўланга ўхшаб колган.

Гап бу ерда хам таржиманинг нуқсонлари хакида бораётгани йўқ. Гап «Кутб ва Сайфи

Саройи асарлари Олтин Ўрда ва кипчок адабий тилида ёзилган» деган фикрнинг илмий исботи йўклиги хақида бораётир. Сайфи Саройи умрининг бир қисмини Африка китъасида, Нил дарёси бўйида, Мисрда ўтказган экан. Э. Н. Нажип шу фактдан келиб чиқиб, унинг «Гулистон бит-турки» асарини Олтин Ўрда — Миср адабий тилида ёзилган» деган фикрни ҳам ўртага ташлаган.

Олтмишинчи йилларда Тошкентда «Ўзбек адабиёти» деган уч жилдлик хрестоматия нашр этилиб, унда Кутб ва Сайфи Саройи асарларидан ҳам намуналар берилганлиги Э. Н. Нажип каби туркологларнинг каттик эътирозига учраган эди. Бу эътирозларнинг мазмунини Кўпроқ килиб айтадиган бўлсак, улар: «Хамма классикларни ўзбеклар ўзлаштириб олаверадими? Қайси классик қаерда яшаганига қараб, уларни бошқа туркий халқларга ҳам тақсимлаб бериш керак», деган фикрдан келиб чиққан эди.

«Бўлиб ташлаб бўйсундур» деган қадимий ақидага биноан, туркийзабон классикларни яшаб ўтган жойларига қараб, Чигатой адабий тилига ёки Олтин Ўрда адабий тилига, ҳатто «Миср адабий тилига» мансуб килиб тақсимлаш натижасида Кутб ва Сайфи Саройи кипчок-ўғуз адабий тилида ижод қилган бўлиб чиқади. Шўролар марказидан берилган кўрсатмага бизнинг адабиётшуносларимиз ҳам бир қанча вақт амал қилишиб, Кутб ва Сайфи Саройи асарларини ўзбек адабиёти дарслиқларига киритмагандилар. Ниҳоят, истиқлол даврида бу борада ҳам тарихий адолат тикланиб, 1994—1995 йилларда чиққан тил ва адабиётимиз тарихига оид китобларда Яссавий, Рабғузий, Хоразмийдан кейинги адабий авлодлар қаторида Кутб ва Сайфи Саройи асарлари таҳдидига ҳам муносиб ўрин берилмоқда.

Албатта, уларнинг адабий тили туркийзабон халқларнинг ҳаммаси учун умумий асос бўлиб хизмат қилади. Кутб ва Сайфи Саройи Олтин Ўрда давлатининг ҳудудида Чингизхон авлодларидан Ўзбекхон ҳукмронлик қилган даврда яшаганлар. Ўзбекхон ислом динини қабул қилгандан кейин махсус фармон билан Жўжи улусининг аввалги номини «Ўзбек улуси» деб ўзгартиради. Бу фармонга бўйсунмаганларни аёвсиз жазолайди.

Шу шароитда ижод қилган Кутб ва Сайфи Саройи ўз асарларини «ўзбек тилида ёздиқ» деб, Ўзбекхондан мукофот олишлари мумкин эди. Лекин у пайтда «ўзбек тили» деган атама истеъмолда йўқ эди. Ўзбекхоннинг ўзи ҳам Аҳмад Яссавийнинг диний таълимотини туркий тилда ўрганиб мусулмон бўлган эди. Шу сабабли, Сайфи Саройи ўз асарини «Гулистон бит-турки», яъни «Туркий Гулистон» деб атагани ўзининг Аҳмад Яссавий туркий мактабига мансублигини тан олганидан далолат беради.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари ва унинг адабий мактаби шарқда Мўғулистон чегараларигача, шимоли-ғарбда Волга бўйларигача, жанубда Мисргача бўлган шундай кенг ҳудудларда ижод қилган шоирларни бир адабий тил атрофига жипслаштиргани ва хилма-хил шеваларда сўзлашган туркий халқларнинг ҳаммаси учун умумий бир дорилфунун бўлиб хизмат қилгани илм-фанда ҳали ўзига яраша баҳо олгани йўқ.

Шу нуқтаи назардан қарганда, бундан олти юз йил муқаддам Амир Темур Аҳмад Яссавийни юксак даражада эъзозлаб, унинг номига Туркистон шаҳрида мухташам макбара қурдиргани нафакат бизнинг, балки бутун жаҳон эътиборига сазовор тарихий ходисадир.

* * *

Ахмад Яссавийга ихлос Амир Темурда кандай пайдо бўлгани хакида аник маълумотлар бизгача етиб келган эмас. Тахмин килиш мумкинки, ёшликдан зехни жуда ўткир бўлган Темурбек Ахмад Яссавий хикматларини ўз ота-онасидан эшитган бўлиши мумкин. Чунки Темурбекнинг онаси Тегина бону Бухорода рухоний оиласида ўсганлиги тарихдан маълум. Ахмад Яссавий хикматлари энг аввал Бухорода Абдулхолик Гиждувоний билан бирга ўқиган ва ҳамкорлик қилган даврларида эл орасида шухрат козона бошлаган эди. Темурбекнинг отаси Амир Тарагай эса Абдулхолик Гиждувоний таълимотига ихлос қўйган Амир Шамсиддин Кулолнинг муриди эди. Амир Шамсиддин Кулол эса эътиқод жихатидан Ахмад Яссавийга якин эди.

Амир Темур Ахмад Яссавийдан салкам икки аср кейин тарих сахнасига чиқади. Бу асрлар давомида мўгул истилоси Турон ва Туркистонни кўчманчи чингизийларнинг интихосиз жабру зулмлари исканжасига солади. Сиёсий ва харбий жихатдан боскинчиларга бас келадиган кучлар хали жабрдийда халқ орасидан етишиб чикмаган эди. Факат маданий жихатдан кўчманчи чингизийларга нисбатан Турон халқи устун турарди.

Чигатой улусидаги мўгул хукмдорлари ҳам, Олтин Ўрдадаги Ўзбекхон каби, мўгул тили ва шомон дини ўрнига туркий тил ёрдамида ислом динини қабул қилганлари кучлар нисбатини зимдан ўзгартирди.

Маданий савияси, тили ва адабиёти боскинчиларникидан кўра бир неча поғона баланд бўлган туркий аҳолининг мўгул истилочиларига нисбатан маънавий жихатдан устунликка эриша бошлагани XIV асрга келиб кўзга яққол ташланади.

Хамма нарсани жуда теран идрок этадиган ва ёшлигидан Турон учун жон қуйдирувчи ватанпарвар бўлиб ўсган Амир Темур Ахмад Яссавий руҳи ва унинг хикматлари туркий элларнинг боскинчи мўгуллар зулмига қарши қурашида қудратли маънавий қурол бўлиб хизмат қилишини дил-дилдан сезган бўлиши керак.

Амир Темур Ахмад Яссавийнинг XIV асрда яшаган авлодларидан Хўжа Боязидга мурид бўлганлиги тўғрисида Алишер Навоий «Насойим ул-мухаббат» да жуда қимматли маълумот беради.

Хўжа Боязид Ахмад Яссавийнинг иниси Исмоил ота ва унинг фарзанди Исхок отага неварга бўлар экан.

«Темурбек онинг (яъни Хўжа Боязиднинг) суҳбатига келибдур. Келурда кўнглидан кечибдурки, бу эрнинг маъно олампидан хабари бўлса, бизга иссиқ халво торткай. Ул муридларга халвони худ буюргон экандур. Бек била саломлашиб кўришгандин сўнгра дебдурки, аввал салом, ўртаси таом ва охири калом. Филхол халвони тортдурбдур. Бекка бу хол зохир бўлгач, лангар ясаб, кўп авкоф килибдур».

Ахмад Яссавий авлоди бўлган Хўжа Боязид суҳбатига Темурбек бот-бот келиб турганини мана шу лавҳанинг мазмунидан пайкаш мумкин. Бу суҳбатларда, албатта, Ахмад Яссавийнинг хикматлари кўп тилга олинган. Хотираси яхши бўлган Амир Темур уларни ёд олган бўлиши керак.

Парчанинг охирида «Бекка бу хол (яъни Хўжа Боязиднинг қаромати) зохир бўлгач, лангар ясаб, кўп авкоф килибдур» деган сўзларнинг теран маъноси бор. Амир Темурнинг ўзи ҳам қароматли сиймо бўлганлиги учун Хўжа Боязидни шу тарзда синаб кўриб, унинг қароматига амалда имон келтиради. Шундан кейин Хўжа Боязидга

«лангар» деб аталадиган махсус зиёратгоҳ курдириб беради ва катта ер, мулкни солиқ олинмайдиган вакф тарзида инъом килади. Шундан тахмин килиш мумкинки, бу ходиса Амир Темур давлат тепасига келган йилларда содир бўлади.

Пиримкул Кодиров